

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.FM/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАВЛУНОВ ҒИЁСИДДИН ҲАЙДАРОВИЧ**

**КИРИШМА АТОМЛАРИ НАНОКЛАСТЕРЛАРИГА ЭГА  
БЎЛГАН КРЕМНИЙНИНГ МАГНИТ ХОССАЛАРИНИ БОШҚАРИШ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Мавлонов Ғиёсиддин Ҳайдарович**

Киришма атомлари нанокластерларига эга бўлган

кремнийнинг магнит хоссаларини бошқариш .....3

**Мавлонов Ғиёсиддин Ҳайдарович**

Управление магнитными свойствами кремния с

нанокластерами примесных атомов .....27

**Mavlonov Giyosiddin KHaydarovich**

Control of the magnetic properties of silicon

with nanoclusters of impurity atoms .....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....60

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.FM/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАВЛУНОВ ҒИЁСИДДИН ҲАЙДАРОВИЧ**

**КИРИШМА АТОМЛАРИ НАНОКЛАСТЕРЛАРИГА ЭГА  
БЎЛГАН КРЕМНИЙНИНГ МАГНИТ ХОССАЛАРИНИ БОШҚАРИШ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Физика-математика фанлари бўйича доктор (DSc) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация  
комиссиясида B2017.1.DSc/FM79.рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [fti.uz](http://fti.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Илиев Халмурод Маджитович,**  
Физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Рембеза Станислав Иванович**  
Физика-математика фанлари доктори, профессор

**Зайнобидинов Сирожиддин**  
Физика-математика фанлари доктори, академик

**Камалов Амангелди Базарбаевич**  
Физика-математика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент ш., Бодомзор йўлиқўчаси, 26-уй. Физика-техника институти мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: [info.fti@uzsci.net](mailto:info.fti@uzsci.net))

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент ш., Бодомзор йўли қўчаси, 26-уй. Физика-техника институтининг маъмурий биноси, мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.А. Бахрамов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
ф.-м.ф.д., профессор, академик

**А.В. Каримов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор

**И.Г. Атабаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
ф.-м.ф.д., профессор

## **КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида бугунги кунда жадаллик билан ривожланаётган яримўтказгичлар соҳасида истиқболли йўналишлардан бири бўлган магнит наноструктурали материалларни ва улар асосида катта интеграция даражасидаги ҳажмий интеграл микросхемаларни олиш, магнит хотирали элементларни, магнит қаршиликли сенсорларни, янги турдаги сезгир магнит датчикларни, фотомагнит асбобларни яратиш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада наноэлектроника ва саноат электроникасининг асосий хомашёси бўлган кремнийнинг кристалл панжаралари ва фаза таркибини сезиларли даражада бузилишга олиб келмаган ҳолда, магнит хусусиятга эга бўлган наноструктураларни ҳосил қилиш ва уларнинг магнит хоссаларини бошқариш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда ионли имплантация, радиациали нурлар, эпитаксияли ўстириш ҳамда кимёвий усуллар ёрдамида турли қотишма ва гетероструктураларда магнит хусусиятли нанокластерларни ҳосил қилишга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада, мақсадли илмий тадқиқотларни жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади: кремний панжарасида, паст ҳароратли босқичма-босқич диффузияли легирлаш ёрдамида марганец атомларининг магнит хусусиятли нанокластерларини шакллантириш, магнит наноструктурали материалларини олиш усулини ишлаб чиқиш; нанокластерлар структурасини, ўлчамини ва магнит моментини ҳамда нанокластерларга эга кремнийнинг магнит сингдирувчанлигини ва магнитланишини аниқлаш; кремнийнинг магнит хоссаларини ундаги магнит хусусиятли нанокластерларининг концентрациясига ва электрофизик параметрларига боғлиқ равишда ҳароратнинг кенг соҳасида турли ташқи таъсирлар ёрдамида бошқариш; ҳароратнинг паст соҳасида кремнийни ферромагнит ҳолатга ўтишини аниқлаш.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили олинган илмий натижаларни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш алоҳида эътиборга сазовор. Бу борада яримўтказгичли материалларни сиртида наноструктураларни ҳосил қилишнинг янги усулларини яратиш ва тадқиқ қилиш асосида янги турдаги яримўтказгичли асбоблар, ёруғлик, босим, намлик ва ҳарорат датчиклари, юқори кучланишли ва частотали диодлар ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, кремнийда эрувчанлиги катта бўлган нодир ер элементлари (гадолиний, европий, голмий, саммарий) билан легирлашнинг оптимал усуллари аниқланган. Бу борада материалнинг бутун ҳажми бўйича

электрофизик параметрлари бошқариладиган магнит хусусиятли нанокластерларни шакиллантириш ва улар ҳисобига материалнинг магнит хоссаларини бошқариш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожланиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-№2772-сонли “2017-2021 йилларда электроника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-№2789-сонли “Фанлар академиясининг фаолиятини, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни устувор ривожлантиришни: III. «Энергетика, энергия ресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик» йўналишига мос ҳолда бажарилиб, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, спинтроника ва электрон асбобсозликни ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Материалларнинг магнит хоссаларини тадқиқ қилиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Токио университети (Япония), Флорида давлат университети (АҚШ), Небраска – Линколн университети (АҚШ), Юонси университети (Ж.Кореа), Квантфункционали тадқиқот маркази (Ж.Кореа), Кюпнок миллий университети (Ж.Кореа), Лил фан ва технология университети (Франция), Лондон нанотехнология маркази (Англия), Мурсия университети (Испания), Хитой технология университети (Хитой Халқ Республикаси), Москва давлат университети (Россия), Физика - техника институти (Санкт-Петербург, Россия), Воронеж давлат университети (Россия), Физика - техника институти (Украина), Ўзбекистон миллий университети (Ўзбекистон), Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Квантфункционали тадқиқот марказида (Ж.Кореа) ҳароратнинг паст соҳасида яримўтказгичли материалларни ферромагнит ҳолатига ўтишини тадқиқ қилинган, Dalhousie университети (Канада) Al-Pd-Mn-V кристаллининг магнит хоссаларини тадқиқ қилиш натижасида бу материалда магнит қаршилиқ кузатилган, Калифорния технология институти (АҚШ) ҳамда Микроэлектрон технология марказида (Калифорния, АҚШ)

---

<sup>1</sup>MnZnFe nanoparticles for self-controlled magnetic hyperthermia //J. Magn. Mater. 2012. Vol. 324. P. 3620-3628., Negative magnetoresistance produced by hall fluctuations in a ferromagnetic domain structure // Applied. Physics. Letters. – 2001.–V.79.– N.7.– P. 979- 981., Alexandr D., Michel D., et al. Classical origin for a negative magnetoresistance and for its anomalous behavior at low magnetic fields in two dimensions // Revista Mexicana De Física 2006. S 52 №3. C.185–189.

$\text{La}_{0,7}\text{Ca}_{0,3}\text{MnO}_3$  юққа қатламини магнит хусусиятга эга эканлигини, Монтпеллер университети (Франция) AlAs-GaAs бирикмасини кремнийга қўшиш натижасида манфий магнит қаршиликни ҳосил бўлиши тадқиқ қилган. Париж-суд университети (Франция) ва Қаттиқ жисим физикаси илмий тадқиқот институтида (Германия) темир ва хром элементларидан ташкил топган қатламда юқори магнит қаршиликни ҳосил қилиб, қаттиқ дискларда маълумотларни ёзиш ва сақлаш имкониятлари очиб берилган.

Ҳозирги вақтда жаҳонда магнит хусусиятли яримўтказгич материалларини ҳосил қилиш ва уларнинг магнит хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича бир қатор устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда жумладан: Спинтроника йўналишини ривож учун магнит структурали материалларни яратиш; паст ҳароратларда кузатилаётган ўта катта магнит қаршиликларни хона ҳароратига олиб чиқиш; магнит қаршиликли сенсорларни яратиш ва уларнинг сезгирлигини ошириш; кремний асосида сезгирлиги юқори бўлган магнит датчиклар ва магнит сезгир яримўтказгич асбобларни яратиш ҳамда уларнинг ишлаш вақтини ва ҳароратга барқарорлигини ошириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кейинги вақтларда яримўтказгичларда кришма атомларини магнит нанокластерларини шакллантириш ва ҳамда уларни хоссаларидан фойдаланиш ҳам етарли даражада ўрганилмоқда. G.W. Ludwig, Н.Н. Woodbury муаллифларни ишларида, J.Kreissl, W.Gehlhoff муаллифларни ишларида, шунингдек Ўзбекистон олимларидан К.П. Абдурахманов, С. Зайнабидинов, Т.С. Камиллов, Ш.Б. Утамурадоваларнинг ишларида марганец билан легирланган кремнийни диффузиядан кейин секин совутишда, марганецни 4 та атомидан иборат нанокластерлари ҳосил бўлиши аниқланган. Аммо, совутиш тезлигини бошқариш асосида электрофизик параметрлари такрорланадиган намуналарини олиш имконини берадиган технология яратилмади, ҳамда амалда киришма нанокластерларини таркиби, структурасининг ўлчами, магнит моменти, наноструктурага эга бўлган кремнийни магнит ва электрофизик хусусиятлари ўрганилмаган.

Т.И.Воронина, Т.С.Лагунова, М.П.Михайлова, К.Д. Моисеева, А.Ф. Липаева, Ю.П. Яковлеваларнинг ишларида GaInAsSb/InAs:Mn, гетероструктураларнинг хоссаларини тадқиқ қилишга мўлжаллаб, ўстирилган юқори концентрацияли ( $n > 5 \cdot 10^{18} \text{ см}^{-3}$ ) Mn атомлари билан легирланганда структураларда аномал Холл эффекти ва манфий магнит қаршилик мавжудлиги аниқланган ва у Mn ионларининг InAs гетероўтиш чегарасидаги юқори ҳаракатчан электронларни каналдаги ўзаро алмашуви сабабли ҳосил бўлиши исботлаб берилган.

В.Э. Каминскийнинг ишида квантланувчи магнит майдонидаги матрицани зичлиги учун кинетик тенглама ечилган. Бу тенгламани ечишда олинган натижа шуни кўрсатадики, кўндаланг манфий магнит қаршилиги кузатилиши, тасодифий потенциалсиз электрон газида кузатилиши мумкин. Бу эса магнит квантлашни кетма-кет олишни ҳисобини натижаси ҳисобланади.

А.Д. Таланцев, О.В. Коплак, Р.Б. Моргунов муаллифларнинг ишларида MnSb кластерларида GaMnSb юпқа қатламидаги ковакларни концентрацияси таъсири натижасида ферромагнитизм кузатилган. Ковакларни юқори концентрацияси Шоттки тўсиғи орқали кластер-кристалл панжара чегарасида туннелланишига ва бу кластерларни магнитланишини ўзгаришига олиб келади. Юпқа қатламларни магнит қаршилиги, ташқи магнит майдонида кластерларни магнитланганлиги ҳисобига бошқариладиган ковакларни спин қутбланишига боғлиқлиги кўрсатилган.

**Диссертация мавзусини диссертация иши бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат техника университетини “Рақамли электроника ва микроэлектроника” кафедрасида бажарилган: Ф2-47 рақамли «Магнит кластерли кремнийнинг ферромагнит ҳолатлари шаклланишининг физикавий асосларини тадқиқ қилиш» (2012-2016 йй.), Ф2-44 рақамли «Ярим ўтказгичларда киришма атомларининг ўз-ўзини ташкиллаштириш механизмини ва уларнинг параметрларини бошқаришни тадқиқ қилиш» (2012-2016 йй.) шунингдек, ҳозирги вақтдаги ОТ-Ф2-55 «Янги функционал имкониятларга эга наноматериалларнинг янги синфи сифатидаги киришма атомлари нанокластерларини шаклланиши негизда хажмий структуралашган кремнийни олишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» (2017-2020 йй.) мавзудаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кремнийнинг магнит хоссаларини марганец киришмалари атомларининг магнит хусусиятли нанокластерлари концентрацияси ва электрофизик параметрларига боғлиқ равишда ҳароратнинг кенг соҳасида турли ташқи таъсирлар ёрдамида бошқаришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

паст ҳароратли босқичма-босқич диффузияли легирлаш усули ёрдамида кремний панжарасида марганец атомларининг магнит нанокластерларини шакллантириш ҳисобига, магнит наноструктурали материалларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

ҳарорат, электр ва магнит майдонларнинг кенг оралиғида магнит нанокластерли кремнийнинг магнит қаршилигини бошқариш имкониятларини тадқиқ қилиш;

магнит нанокластерли кремнийнинг таркибидаги нанокластерларнинг концентрациясига боғлиқ равишда, магнит қаршилигини ўзгариш қонуниятини аниқлаш;

магнит нанокластерли кремнийнинг фотомагнит хусусиятини, фон (оқ) ҳамда инфрақизил спектр соҳасидаги нурлар билан ёритилганида тадқиқ қилиш;

Турли ташқи таъсирларнинг (ҳарорат, электр майдони, ёритилганлик) бир вақтдаги таъсирида манфий магнит қаршилиқни тадқиқ этиш;

магнит кластерларни шакллантириш йўли билан ферромагнит кремнийни олиш имкониятини кўрсатиш ва илмий асослаш;

тажриба натижалари асосида марганец атомларини

нанокластерларининг магнит моментини, ҳамда магнит нанокластерли кремнийнинг магнит сингдирувчанлиги ва магнитланганлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида электроника саноатида фойдаланиладиган КДБ- 2; 3; 5; 10; 100 маркали кремний монокристалли танлаб олинди. Киришма сифатида парамагнит атом бўлиб ҳисобланган марганец танланиб, у  $S=5/2$  спинли  $3d^5 4s^2$  электрон структуралардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** кремнийда магнит хусусиятларига эга бўлган марганец киришмалари диффузияси жараёнлари ва кенг ҳарорат соҳасида ташқи таъсирлар натижасида кремнийни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишнинг физик-технологик шартларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Кремний панжарасидаги марганец атомларининг ҳолатини замонавий электрон парамагнит резонанс ва атом кучлари микроскопи ҳамда рентген структурали таҳлил замонавий усуллардан фойдаланиб амалга оширилган.

Намуналарни фотоманит хоссалари ИКС-21 (Инфрақизил спектр) ва электромагнит асосида яратилган махсус қурилма ёрдамида тадқиқ қилинди. Бу қурилма электр ва магнит майдонини, ҳароратни, шунингдек инфрақизил нурланишнинг тўлқин узунлиги ва қувватини кенг оралиқда ўзгартириш имконини беради.

Намуналарни паст ҳарорат соҳасидаги ферромагнит ҳолати СКВИД (ўта ўтказувчи квантли интерференцияли датчик - сверхпроводящий квантовый интерференционный датчик) -магнитометр қурилмаси ёрдамида тадқиқ қилинган. (Жанубий Кореянинг Сеул шаҳридаги Донгук университетининг яримўтказгичларни квантофункционал тадқиқот марказида, ижодий ҳамкорликда)

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кремний панжарасида ҳажм бўйича тенг тақсимланган ва параметрлари бошқариладиган марганец атомларининг магнит хусусиятли нанокластерларини шакллантириш имкониятини берадиган паст ҳароратли босқичма-босқич амалга ошириладиган диффузия технологиясининг режимлари оптималлаштирилган;

марганец атомлари нанокластерларининг ҳароратга барқарорлиги ҳисобига, марганец атомлари билан легирланган кремнийнинг электрофизик параметрларини юқори ҳароратларда турғунлигини ошириш усули ишлаб чиқилган;

кремнийдаги марганец атомларининг магнит хусусиятга эга бўлган нанокластерлари концентрациясини  $10^{15} \text{ см}^{-3}$  гача ошириш ҳисобига хона ҳароратида ўта юқори қийматдаги манфий магнит қаршилиги кузатилиши аниқланган;

марганец атомларининг магнит хусусиятли нанокластерларига эга бўлган кремнийда, магнит майдон индукцияси ортиши билан, манфий магнит қаршилигининг қиймати чизикли ортиши аниқланган;

бир вақтнинг ўзида кучли магнит моментга ва зарядга эга бўлган нанокластерларнинг зарядларини интеграл (оқ) ва инфрақизил ёруғлик

таъсирида камайиши ҳисобига манфий магнит қаршилиқнинг қийматини 100 мартагача сўниш эффекти топилган;

кремнийда магнит моментига эга бўлган марганец атомлари нанокластерларининг спинларини, ҳароратнинг 30 К дан паст соҳасида, тартибли йўналиш ўрнатилиши ҳисобига, кремнийни ферромагнит ҳолатга ўтиши аниқланган;

нанокластерли кремнийнинг 10 К ҳароратдаги, тажриба асосида аниқланган магнитланганлик ( $\chi_{Mn}$ ) қиймати ёрдамида марганец атомлари нанокластерларининг магнит моменти ҳисобланган;

энергия (кТ) ортиши билан нанокластерларнинг спинларини тартибланган йўналишининг бузилиши ҳисобига, кремнийнинг магнитланганлигини ҳарорат ошиши билан чизикли камайиши аниқланган;

электр майдон кучланганлигини 0,1 - 600 В/см ва магнит майдон индукцияси 0,2-2 Тл оралиғида, ҳамда 240 К ҳароратда, нанокластерли кремнийнинг магнит қаршилигини 6 мартабагача ошириш имконияти кўрсатилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кристаллни бутун ҳажми бўйича марганец атомларининг наноструктурасига эга бўлган кремнийни олиш технологияси ишлаб чиқилган;

кремний таркибидаги нанокластерларининг концентрациясини кўпайтириш ҳисобига, манфий магнит қаршилиқнинг қийматини ошириш усули ишлаб чиқилган. Бу ўз навбатида, магнит хусусиятли нанокластерларга эга бўлган кремний асосида сезгирлиги юқори бўлган магнит датчикларни ишлаб чиқаришга имкон яратади;

марганец атомлари нанокластерларининг ҳароратга барқарорлиги ҳисобига, марганец атомлари билан легирланган кремнийнинг электрофизик параметрларини юқори ҳароратларга турғунлигини ошириш усули ишлаб чиқилган. Бу ўз навбатида кремнийда юқори ҳароратларга барқарор наноструктураларни олиш, ҳамда юқори ҳароратларга ва кучланишларга барқарор юқори частотали диодларни ишлаб чиқариш имконини берган;

юқори ҳароратли манфий магнит қаршилиқ қийматини ташқи таъсирлар ёрдамида (ҳарорат, ёритилганлик, электр майдон) бошқариш мумкинлиги аниқланган ва олинган натижалар асосида физик катталикларни ўлчовчи функционал датчикларни яратиш имкони борлиги кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** кремнийдаги марганец атомлари нанокластерларнинг тузилишларини аниқлашда интеграл сезгирлиги  $\sim 5 \cdot 10^{10}$  спин/Гс ва уларни ўрнатиш аниқлиги 0,001% ни ташкил қиладиган электрон парамагнитик резанатор, замонавий атом кучли микроскопии, рентген структурали таҳлил усуллари ҳамда олинган материалларнинг электрофизик хусусиятларини аниқлашда Холл усули ва кремнийнинг ферромагнит ҳолатини аниқлашда СКВИД магнитометр қурилмасини қўлланилганликлари билан изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти монокристалл кремний панжарасида марганец атомларининг магнит нанокластерларини шаклланишининг физик механизларини тушунтириш, юқори ҳароратларда бундай материалларда аномал юқори манфий магнит қаршиликни кузатилишининг физикасини асослаб бериш ва уни қийматини ташқи таъсирлар ёрдамида бошқариш қонуниятларини ҳамда янги фотоманит материал сифатида магнит нанокластерли кремний хоссаларини бошқариш имконини яратади.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, марганец атоми нанокластерларига эга бўлган кремний асосида юқори сезгирликка эга бўлган магнит ва фотоманит асбоблар, физик катталикларни ўлчаш имконини берадиган кўп функцияли датчикларни ишлаб чиқиш мумкинлиги, шунингдек ферромагнитли кремнийни олиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Кремнийнинг магнит хоссаларини унда шакллантирилган марганец атомларининг магнит хусусиятли нанокластерларнинг концентрациясига ва электрофизик параметрларига боғлиқ равишда ҳароратнинг кенг соҳасида турли ташқи таъсирларнинг ёрдамида бошқаришни тадқиқ қилиш натижалари асосида:

кремнийни паст “ҳароратли ва босқичма-босқич” легирлаш технологияси «FOTON» акциядорлик жамияти томонидан наноструктурали ферромагнит хусусиятига эга бўлган кремний кристалларини олишда фойдаланилган («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2017 йил 6 октябрдаги 02/2074-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш юқори частотали диодларнинг ташқи таъсирга чидамлилигини ошириш имконини берган;

нанокластерларнинг зарядларини интеграл (оқ) ва инфрақизил ёруғлик таъсирида бошқариш натижалари Туркменистон Фанлар академияси Куёш энергияси институтида бажарилган «Наноўзгарувчан зонали кенг спектрал сезгирликка эга (0.1-3 мкм) янги фотоэлементларни тайёрлаш ва ишлаб чиқиш» (2012–2015) мавзудаги лойиҳасида зоналари ўзгариб борувчи наноструктурали гетероўтишларда инфрақизил соҳадаги сезгирлигини бошқаришда қўлланилган (Туркменистон Фанлар академияси Куёш энергияси институтининг 2017 йил 9 ноябрдаги 162/17-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш металл-яримўтказгич структурали спектрометрик элементларнинг спектрал сезгирлигини узун тўлқин томонига кенгайтириш имконини берган;

киришмани диффузияда фаоллашиш энергияси кичик бўлган паст ҳароратли кўп босқичли диффузия ўтказиш тартиби ПФИ ФЗ-ФА-0-56434 рақамли «Куёш элементлари ва яримўтказгич асбоблар учун юпқа қатламли ва нанокатламли структураларни шакллантиришнинг физикавий қонуниятлари» (2012–2016) мавзусидаги лойиҳани бажаришда карбид кремний кристаллининг фаол соҳасида бор ва алюминий киришма атомлари диффузиясини амалга оширишда қўлланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 24 октябрдаги ФТА-02-11/940-сон маълумотномаси).

Илмий натижалардан фойдаланиш юпқа қатламли тажрибавий намуналар олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ишни асосий натижалари 8 халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда маруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация материаллари бўйича 33 та илмий иш нашр қилинган, улардан 2 таси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий нашрларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, 6 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусини долзарблиги ва замонавий илмий тадқиқотлар талабига мослиги асосланган, фан ва технологияни асосий устувор ривожланиш йўналишлари билан тадқиқотнинг боғлиқлиги аниқланган, халқаро илмий тадқиқотларни диссертация мавзуси бўйича таҳлили ва муаммони ўрганилиш ҳолати келтирилган. Муаммо ҳолатини таҳлили ва мавзуни долзарблиги асосланган, танланган йўналишнинг илмий янгилиги, ишнинг мақсади ва муаммонинг ечимини ҳал қилишдаги асосий вазифалар ҳамда амалга ошириладиган тадқиқотларни илмий ва амалий аҳамияти ёритилган.

Диссертациянинг **“Яримўтказгичли материалларнинг магнит хоссалари”** деб номланган биринчи бобида соҳа бўйича илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Турли яримўтказгичларда манфий магнит қаршилик (МаМК) ва мусбат магнит қаршилик (МуМК) ни ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг энг сўнги маълумотлари ва уларни аҳамияти, шунингдек физик механизмлари ҳамда ферромагнит материалларни олиш технологиялари баён қилинган.

Диссертациянинг **“Магнит нанокластерларга эга бўлган кремний намуналарини тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни электрофизик хусусиятларини ўлчаш”** деб номланган иккинчи бобида паст ҳароратли босқичма-босқич диффузияли легирлаш ёрдамида кремний панжарасида киришма марганец атомларининг нанокластерларини шаклланиши ҳисобига магнит наноструктурали материални олишнинг қулай усули, шунингдек тажрибани ўтказиш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.


Танланган легирлаш усули, босқичма-босқич ҳароратни маълум бир тезликда ошириш орқали диффузияни ўтказишга асосланган. Бу усул нанокластерларни шакллантириш жараёнида марганец киришма атомларининг максимал иштирокини таъминлашга имкон беришидан ташқари, кремний материалнинг бутун ҳажми бўйича магнит хусусиятли нанокластерларнинг тенг тақсимланиш имкониятлари кўрсатилган. Диффузия жараёнида киришма атомларининг фаоллашиш энергиясининг тажрибада аниқланган қиймати ва унга мос равишда диффузияни ҳароратга боғлиқлиги  $D = D_0 \exp\left(-\frac{E_a}{kT}\right)$ , юқори ҳароратли диффузия асосида киришмаларни кремнийдаги эрувчанлик формуласидан паст ҳароратли диффузия шароитда фойдаланиш мумкин эмаслиги тўлиқ асослаб берилди. Паст ҳароратли диффузия жараёни юқори ҳароратли диффузиядан анча тез содир бўлади ва тугунлараро киришма атомларининг диффузияси ҳақидаги фарзани тўлиқ тасдиқлайди.

Янги технология билан кремний панжарасига киритилган марганец атомларининг ҳолати замонавий электрон парамагнитли резонанс (ЭПР), атом кучли микроскоп (АКМ) ҳамда рентген структурали таҳлил усулларда тадқиқ қилинган.


Кремний панжарасидаги марганец атомлари ҳолатининг табиати ЭПР спектри ёрдамида «Брокер» курилмасида 77 К ҳароратда тадқиқ қилинди. Унда ЭПР спектрларини қайт қилиш учун тўлқин узунлигини 3-х сантиметрли диапазонда ишлайдиган спектрометрдан фойдаланилди. Асбобни интеграл сезгирлиги  $\sim 5 \cdot 10^{10}$  спин/Гс бўлиб, ўлчашни ўрнатиш аниқлиги 0,001% ни ташкил қилди. Кузатилаётган спектрдаги g-факторни аниқлаш  $g=2,0024$  маркер чизиғи бўйича амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Ферми сатҳи  $F=E_V+(0,38 \div 0,45)$  эВ ораликдаги янги технология бўйича олингани  $p\text{-Si} \langle \text{B}, \text{Mn} \rangle$  намуналарда 21 та чизиғидан иборат бўлган ўта юпқа ЭПР спектри аниқ кузатилди (1а-расм). Бу нанокластерларнинг таркиби тўртта марганец атомидан ташкил топганини тасдиқлайди. Ферми сатҳи  $F=E_V+(0,38 \div 0,45)$  дан тақиқланган соҳани ўртасигача  $F=E_V+(0,52 \div 0,55)$  эВ силжиганда,  $\text{Mn}^{++}$  ҳолатидаги атомлар концентрациясини камайиши ва мос ҳолда  $\text{Mn}^+$  ҳолатидаги атомлар концентрациясини ошиши ҳисобига ЭПР спектрининг интенсивлигини сусайиши кузатилди.

Жанубий Кореанинг Сеул шаҳридаги Донггук университетининг яримўтказгичларни Квантофункционал тадқиқот маркази жамоаси билан ҳамкорликда олиб борилган изланишлар учун магнит нанокластерига эга бўлган кремний намуналари тайёрланди. Рентген дифрактометрида Mn билан легирланган Si намуналарининг структурасини таҳлили амалга оширилди. 1б-расмда Si (111) да марганец атомларининг нанокластерлари бўлган намуналарида кузатилган дифракцион чўкқилари келтирилган, бу  $(\text{Mn}_4\text{B})$  марганец-бор комплексини ҳосил бўлишини кўрсатади.



1а- расм. Кремнийда 4 та марганец атомидан иборат бўлган нанокластерни ЭПР спектри



1б -расм. Магнит кластерларини рентгенографик тасвири

Диффузия жараёнида аниқ термодинамик шароитларни билиш, кремний панжарасида кластерларни ҳосил бўлишининг энг кичик потенциал энергиясини аниқлаш имконини берди. Марганец атомларининг ўзаро кулон таъсирлашиши ҳамда марганец атомлари билан бор атомларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олиб амалга оширилган назарий ҳисоблашлар асосида

нанокластерларнинг ўлчами аниқланди. Бу 0,7 дан 1,4 нм гача қийматни ташкил этар экан.

Шундай қилиб, паст ҳароратли диффузия жараёнида нафақат сирти эрозияга учрамаган ва сирт ости соҳасида силицидлар ҳосил бўлмаган кремний намуналарини олиш, ҳамда кремний намуналарида белгиланган чуқурликда ва концентрацияда марганец киришма атомларини бир текис тақсимлаб легирлаш мумкинлиги кўрсатиб берилди.


Диссертациянинг **“Марганец атомларининг магнит нанокластери бўлган ва нанокластерлар ҳосил бўлмаган марганец атомлари билан легирланган кремнийнинг магнит қаршили”** деб номланган учинчи бобида, марганец атомларининг магнит нанокластерларига эга *p*-турдаги кремнийни ва ошириб компенсацияланган *n*-турдаги намуналарни ҳамда нанокластерсиз намуналарнинг магнит қаршилигини тадқиқ қилишдаги аниқланган янги илмий натижалар келтирилган. Кремнийнинг магнит хоссасини магнит майдонининг қийматиға боғлиқлиги, МаМҚ ни пайдо бўлишида магнит нанокластерларини ҳиссаси, ҳамда МаМҚ эффекти кузатилишининг ҳарорат чегараларини аниқлашдаги натижалар берилди.

МаМҚ ҳосил бўлишида магнит нанокластерларнинг ҳиссасини билиш учун турли концентрацияда нанокластерлари бўлган бир хил солиштирма қаршиликли намуналар тайёрланди. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, магнит нанокластерларининг концентрацияси ортиши билан МаМҚ ни қиймати сезиларли ошди (2а- расм).  $N=10^{15}$  см<sup>-3</sup> нанокластерлар концентрациясига эга бўлган намуналарда хона ҳароратида ва электр майдон кучланганлиги  $E=100$  В/см бўлганда қиймати жуда катта  $\Delta\rho/\rho\sim 300$  % бўлган МаМҚ кузатилди ва бунда магнит майдонининг сезгирлиги  $\alpha=150$  %/Тл ни ташкил қилди.

Олинган натижалар кремний намуналарида МаМҚ ни пайдо бўлиши ва уни табиатини бевосита панжарадаги марганец атомлари нанокластерини мавжудлиги билан боғлиқ эканлиги, ҳамда нанокластерларни концентрациясини ўзгартириш йўли билан МаМҚ қийматини кенг ораликда бошқариш имкониятлари мавжудлигини тасдиқлади. Нанокластерларнинг концентрациясини  $2\cdot 10^{13}\div 10^{15}$  см<sup>-3</sup> ораликда ошириш билан, бир хил тажриба шароитида МаМҚ ни қиймати 8÷10 марта ошиши аниқланди ва бунда намуналарнинг магнит майдонига сезгирлигини  $\alpha=28$  %/Тл дан  $\alpha=150$  %/Тл гача ошириш мумкинлиги кўрсатиб берилди. Замонавий усуллар асосида такомиллаштирилган диффузион технологиядан фойдаланилиб олинган намуналарда нанокластернинг концентрациясини  $N=10^{17}$  см<sup>-3</sup> гача етказиш мумкинлиги аниқланди. Бунда намуналардаги МаМҚ нинг қийматини 1,5 даражагача катта бўлишини кушиш мумкин.


2.б - расмда Ферми сатҳининг ҳолати  $F=E_V+0,29\div E_V+0,48$  эВ ораликда бўлган *p*-Si<В,Мn> нанокластерли намуналарнинг ҳамда ошириб компенсацияланган Ферми сатҳи  $F=E_C-(0,35\div 0,54)$  эВ ораликда бўлган *n*-Si<В,Мn> намуналарни магнит қаршилигига магнит майдон қийматининг таъсири натижалари тасвирланган. *p*-турдаги Ферми сатҳи  $F\leq E_V+0,28$  эВ

бўлган намуналарда унча катта бўлмаган МуМҚ кузатилди ва унинг қийматини ўзгариши магнит майдонига кучсиз боғланганлиги аниқланди. Ферми сатҳи  $F \geq E_V + 0,29$  эВ га силжиганда магнит майдонини кичик қийматларда, қиймати унча катта бўлмаган МуМҚ кузатилди ва унинг қиймати магнит майдонини ошиши билан камайди. Магнит майдон индукцияси  $B \geq 1,8 \div 1,9$  Тл бўлганда бу намуналарнинг магнит қаршилигини ишораси ўзгарди, яъни МуМҚ дан МаМҚ га ўтди (2б –расм, 1-эгри чизик).



1- $N_{(Mn)4} = 2 \cdot 10^{13} \text{ см}^{-3}$ , 2- $N_{(Mn)4} = 2 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-3}$ ,  
3-  $N_{(Mn)4} = 5 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-3}$ , 4- $N_{(Mn)4} = 10^{15} \text{ см}^{-3}$ .

**2а-расм. Турли концентрациядаги нанокластерларга эга бўлган намуналаридаги МаМҚ ни магнит майдонига боғлиқлиги.  $T=300$  К,  $E=100$  В/см**



$p$ -турдаги: 1- $F = E_V + 0,29$  эВ, 2- $F = E_V + 0,32$  эВ, 3- $F = E_V + 0,385$  эВ, 4- $F = E_V + 0,434$  эВ, 5-  $F = E_V + 0,48$  эВ.  
 $n$ -турдаги: 6- $F = E_C - 0,45$  эВ, 7- $F = E_C - 0,384$  эВ.,  
 $p$ -турдаги нанокластерсиз: 8-  $F = E_V + 0,385$  эВ

**2б-расм. Ферми сатҳини турли ҳолатларида  $p$ -Si<B,Mn> и  $n$ -Si<B,Mn> намуналаридаги МҚ ни магнит майдонига боғлиқлиги.  $E=100$  В/см,  $T=300$  К**


Кўп сонли тажрибалар шуни кўрсатдики, нанокластерли кремнийда Ферми сатҳининг чегаравий қиймати  $F \sim E_V + 0,29$  эВ бўлганда МаМҚ эффекти намоён бўлар экан. Марганец атомларининг магнит нанокластерларига эга бўлган кремний намуналарида Ферми сатҳи  $F \sim E_V + 0,29$  эВ дан тақиқланган соҳани ўртасига силжиши МаМҚ эффектини кучайишига олиб келар экан (2б- расмдаги 2, 3-эгри чизик). МаМҚ нинг қиймати магнит майдонинг қиймати ортиши билан ошади ва  $T=300$  К ҳароратда Ферми сатҳи қиймати  $F \sim E_V + 0,375 \div E_V + 0,385$  эВ бўлган намуналарда МаМҚ ни максимал қиймати кузатилди. Ошириб компенсацияланган намуналарда хона ҳароратида Ферми сатҳига боғлиқ бўлмаган ҳолда унча катта бўлмаган МуМҚ кузатилди (2б-расм 6, 7 эгри чизик). Ўрганилган намуналарда Ферми сатҳи ўтказувчанлик соҳасини тагидан тақиқланган соҳани ўртасига силжиганда МуМҚ қиймати

чизиқли ошиб борди ва ўзгариш 2,5 % дан 7 % гача бўлди. Ҳарорат пасайиши билан  $\mu_{Mn}$  қиймати секин камайди ва  $T \sim T_{nop}$  ( $T_{nop}$  -  $\mu_{Mn}$  ни пайдо бўлиш ҳарорати) бўлганда  $\mu_{Mn}$  ни ишораси  $\mu_{Mn}$  дан  $\mu_{Mn}$  га ўзгарди. Ферми сатҳи тақиқланган соҳанинг ўртасидан ўтказувчанлик соҳаси томон силжиши билан марганец атомлари икки қарра зарядланган ҳолатидан бир қарра зарядланган ҳолатига ўтиши кузатилади ва шунга мос равишда Ферми сатҳи  $F = E_C - 0,37$  эВ ҳолатида бўлган намуналарда  $T = 150$  К ҳароратда  $\mu_{Mn}$  нинг максимал қиймати 35% ташкил қилди. Ошириб компенсацияланган намуналарда  $\mu_{Mn}$  ни кузатилиши марганец атомларини  $S = 5/2$  спинга эга эканлиги ва уларни заряд ҳолати билан тушунтирилди.

$\mu_{Mn}$  ни максимал қиймати Ферми сатҳи  $F = E_V + (0,375 \div 0,385)$  эВ бўлган намуналарда кузатилиши аниқланди. Бундай намуналарда Ферми сатҳининг ҳолатини бошқариш орқали манфий магнит қаршилик қийматини ўзгариш қонуниятини аниқланди.


Ҳарорат пасайиши билан  $\mu_{Mn}$  ни қийматининг ортиши кузатилиб, магнит майдонни ортиши билан намуналарининг  $\mu_{Mn}$  гини  $\frac{\Delta\rho}{\rho}(B)$  чизиқли боғлиқлиги сақланар экан (3а -расм).

Компенсацияланган ва ошириб компенсацияланган намуналарда  $\mu_{Mn}$  ни тадқиқ қилишда олинган натижалар асосида, Ферми сатҳининг тақиқланган соҳада жойлашиш ҳолатига боғлиқ  $\mu_{Mn}$  ва  $\mu_{Mn}$  ни кузатилишини паст ва юқори ҳарорат чегаралари аниқланди (3б-расм).



1-  $T = 300$  К, 2-  $T = 283$  К, 3-  $T = 270$  К,  
4-  $T = 262$  К, 5-  $T = 235$  К.

**3а-расм.** Ферми сатҳи ҳолати  $F = E_V + 0,385$  эВ бўлган  $p$ -Si<B,Mn> намунадаги  $\mu_{Mn}$  ни турли ҳароратларда магнит майдонга боғлиқлиги.  $E = 100$  В/см



**3б-расм.**  $\mu_{Mn}$  мавжудлигининг ҳарорат соҳасини, марганец кризма атомлари билан легирланган кремнийдаги Ферми сатҳининг ҳолатига боғлиқлиги.  
 $B = 2$  Тл,  $E = 100$  В/см

3б- расмда марганец билан легирланган кремнийда етарли даражада кенг ҳарорат оралиғида катта МаМҚ кузатилар экан. Кремнийда Ферми сатҳининг ҳолатини бошқариб МаМҚ нинг қийматини етарли даражада катта ораликда ( $T=300$  К ҳароратда  $1\div 100$  %) ўзгартириш имкони мумкинлиги аниқланди. Ферми сатҳинг ҳолати  $F=E_V+0,29$  эВ дан  $F=E_C-0,32$  эВ гача чегараси оралиғида, ҳароратнинг  $T=120\div 370$  К соҳалари оралиғида МаМҚ кузатилди.

Диссертациянинг **“Марганец билан легирланган кремнийдаги манфий магнит қаршиликга ташқи физик катталикларнинг таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида, МаМҚ ни электр майдонига боғлиқлиги ҳамда интеграл ва монохроматик ёритилганликнинг таъсирини тажрибада ўрганишдаги натижалар келтирилган. Бунда асосий вазифа, нанокластерли кремнийнинг магнит қаршилигини ташқи таъсирлар натижасида ўзгариш қонуниятини ҳамда МаМҚ ни максимал қийматини олишда электр майдонининг оптимал қийматини ва магнит қаршиликни ёруғликнинг интенсивлигига боғлиқ ўзгаришини аниқлашдан иборат.

Олинган тажриба маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ёритилганлик МаМҚ ни камайишига ва сўнишига ҳамда МҚ нинг ишорасини ўзгаришига олиб келар экан. Бу натижалар МҚ ни ўрганишдаги янги физик ҳодиса ҳисобланади. МаМҚ ни қоронғиликдаги қиймати қанча катта бўлса, МҚ нинг ишорасини алмашишини қиймати ёритилганлик интенсивлигининг катта қийматига тўғри келди (4а-расм).

Тажрибада аниқланган маълумотлар бир томондан ўрганилинаётган материалларни магнит хоссалари марганец атомлари кластерларининг энергетик сатҳларини қайта зарядланиши сабаб бўлса, иккинчи томондан бошқа яримўтказгичли магнит материалларида кузатилмаган фотомангнит сезгирлиги мавжудлигини кўрсатди.

Пастроқ ҳароратларда намуналарнинг магнит қаршилиги хоссаларига ёруғлик интенсивлиги таъсирини тадқиқ қилинишида аниқланган натижалар ҳам қизиқиш уйғотади. 4б- расмда нанокластерга эга бўлган кремнийнинг турли даражадаги фон ёруғлиги остида МҚ ни ҳароратга боғлиқлиги кўрсатилган. Кўриниб турибдики, ёритилганлик бўлмаганда ҳарорат пасайиши билан МаМҚ ни қиймати сезиларли даражада тез ортади ва ҳарорат  $T=235\div 240$  К бўлганда ўзини максимал қийматига етди. Бунда МаМҚ ни қийматининг ўзгариши  $\Delta\rho/\rho=300$  % ни ташкил қилди. Бу

боғланишни 
$$\left(\frac{\Delta\rho}{\rho}\right)_T = \left(\frac{\Delta\rho}{\rho}\right)_0 \left(\frac{T_0}{T}\right)^5$$
 қонуният кўринишда ( $240$  К  $< T < 330$  К,

$T_0=300$  К) ёзиш мумкин. Ҳароратни  $T=215\div 220$  К гача камайиши МаМҚ нинг қийматини камайишга олиб келди. Бу боғлиқликни қуйидаги


$$\left(\frac{\Delta\rho}{\rho}\right)_T = \left(\frac{\Delta\rho}{\rho}\right)_1 \left(\frac{T_1}{T}\right)^{-5}$$
 ( $170$  К  $< T < 240$  К) кўринишда ифода қилиш мумкин.

Ҳарорат  $T\leq 170\div 175$  К бўлганда МҚ ни ишораси ўзгаради яъни, МаМҚ дан МуМҚ га ўтади.

Тадқиқотлар  $I=10$  Лк;  $40$  Лк;  $80$  Лк ва  $160$  Лк ёритилганликда ўтказилди (2, 3, 4, 5 эгри чизиқлар). Бунда қизикарли физик ҳодисалар кузатилади. Биринчидан, ёритилганлик МаМҚ нинг қийматини сезиларли камайишига олиб келди. Масалан  $T=240$  К бўлганда МаМҚ ни қиймати  $\frac{\Delta\rho}{\rho} \sim 300\%$  дан

нолгача камайди яъни, 
$$\frac{\left(\frac{\Delta\rho}{\rho}\right)_{\text{тем}} - \left(\frac{\Delta\rho}{\rho}\right)_{\text{освещ}}}{10 \text{ Лк}} = \frac{300\%}{10 \text{ Лк}} = 30 \frac{\%}{\text{Лк}}$$
. Иккинчидан,


ёритилганда максимал МаМҚ нинг кузатилиши ҳарорат қийматининг юқори томонга силжиши (2, 3, 4 эгри чизиқлар).



1-  $F=E_V+0,3$  эВ, 2-  $F=E_V+0,38$  эВ,  
3-  $F=E_V+0,42$  эВ, 4-  $F=E_V+0,44$  эВ.

**4а-расм. Ферми сатҳи турли ҳолатларда бўлган  $p$ -турдаги Si<В,Мn> намуналардаги МҚ ни ёритилганлик интенсивлигига боғлиқлиги.**

$E=100$  В/см,  $T=300$  К



1- қоронғилатилгандаги;  
2-  $I=10$  Лк; 3-  $I=40$  Лк;  
4-  $I=80$  Лк; 5-  $I=160$  Лк.

**4б-расм. Ферми сатҳини  $F=E_V+0,38$  эВ бўлган Si<В,Мn> намунадаги МҚ ни ҳароратга боғлиқлиги.**


$E=100$  В/см,  $B=2$  Тл.

Учинчидан, ёритилганлик МаМҚ кузатиладиган ҳарорат соҳасини сезиларли даражада кичиклаштирди. Ёритилганлик интенсивлигининг янада ошиши билан МаМҚ ни кузатиладиган ҳарорат соҳаси янада торайиб  $I=160$  Лк да МаМҚ амалда йўқолди (4б-расмдаги 5- эгри чизиқ). Бунда шуни кўрсатиш мумкинки, ёритилганлик МҚ нинг ишорасини ўзгартириб фаза ўтишига олиб келар экан.

Олинган тадқиқотларнинг натижалари бир томондан МаМҚ ни ёруғлик томонидан сўндириш мумкинлигини кўрсатса бошқа томондан бундай

материалларни электроникада фойдаланишда функционал имкониятларини очиб беради.

5- расмда Ферми сатҳи  $F=E_V+0,385$  эВ бўлган намунанинг МаМҚ гини турли ҳароратларда электр майдонга боғлиқлигини ўрганиш натижалари келтирилган.



1- $T=300$  К, 2- $T=283$  К, 3- $T=270$  К,  
4- $T=262$  К, 5- $T=235$  К, 6- $T=220$  К

**Расм. 5. Ферми сатҳи  $F=E_V+0,385$  эВ бўлган  $p\text{-Si}\langle B, Mn \rangle$  намунанинг магнит қаршилигини, турли ҳароратларда электр майдонга боғлиқлиги.  $B=2$  Тл.**

Натижалар шуни кўрсатадики, электр майдони ортиши билан барча ҳароратларда МаМҚ ни қийматлари чизикли ортади. Электр майдони янада ортиши билан МаМҚ нинг қийматини чизикли ортиши кучсизланади ва у ўзини максимал қийматига ( $E_m$ ) эришади. Электр майдон қийматини янада ортиши МаМҚ ни камайишига олиб келди. Расмдан кўриниб турибдики, ҳарорат пасайиши билан МаМҚ қийматининг чизикли ортиш соҳаси кенгайди ҳамда МаМҚ нинг максимал қиймати  $E_m$  электр майдонининг катта қийматлари томонига силжиди. Ҳарорат  $T=235$  К ва  $E_m=240$  В бўлганида МаМҚ максимал қийматга эга бўлди  $\left(\frac{\Delta\rho}{\rho} \sim 600\%\right)$ .

Ҳароратни  $T<235$  К дан кичик қийматларида МаМҚ камайди, аммо электр майдонининг қийматини ортириш билан унинг камайишини бошқариб кўпайтириш мумкин бўлди.

Хона ҳарорати шароитида марганец атомларининг кластерлари мавжуд бўлган кремнийда МаМҚ ни сўниш ҳодисаси ҳамда ёруғлик интенсивлиги билан бошқариб МҚ нинг ишорасини ўзгариш мумкинлиги электроника ва асбобсозлик соҳасида магнит ва ёруғлик датчикларининг томомила янги синфини яратиш имкониятлари очиб берилди.

Диссертациянинг “Кремнийдаги манфий магнит қаршилиқни инфрақизил нурлар таъсирида сўниш эффекти” деб номланган бешинчи бобида, марганец атомларининг магнит нанокластерлари мавжуд  $p\text{-Si}\langle B, Mn \rangle$  намуналарида МаМҚ нинг қийматига инфрақизил (ИҚ) нурнинг спектрал таъсири магнит ва электр майдон, ҳароратни кенг соҳадаги боғлиқликлари ҳамда ИҚ-нурланиш энергиясининг турли қийматларидаги таъсирини ўрганишдаги аниқланган натижалар келтирилган.

Марганец атомлари нанокластерларига эга бўлган кремний намуналаридаги МаМҚ нинг қийматига хона ҳароратида тушаётган ёруғлик ИҚ-нурининг  $\lambda=1,2\div 4$  мкм бўлгандаги тўлқин узунлигига боғлиқлиги тадқиқ қилинган, нурланиш қуввати  $5 \cdot 10^{-5}$  Вт/см<sup>2</sup>, магнит майдон қиймати  $B=0\div 1,7$  Тл қилиб танлаб олинди.

ИКС (ИҚН)-21 спектрометри асосида махсус қурилма яратилган бўлиб, у электр ва магнит майдон қийматини ҳамда ҳароратнинг кенг ораликда ўзгартириш имконини берди.

Намуналардаги МаМҚ ни нисбий ўзгариши  $\left[ \left( \frac{\Delta\rho}{\rho} \right)_{mem} / \left( \frac{\Delta\rho}{\rho} \right)_{hv} \right]$  ифода асосида ҳисобланган (бу ерда  $\left( \frac{\Delta\rho}{\rho} \right)_{hv}$  -  $h\nu$  энергияли ИҚ-нурланиш таъсиридаги МаМҚ;  $\left( \frac{\Delta\rho}{\rho} \right)_{mem}$  - ИҚ-нурланиш мавжуд бўлмагандаги МаМҚ). МаМҚ ни тушаётган ИҚ нурланиш фотонларининг энергиясига боғлиқлиги ба-расмда келтирилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, нурланишнинг  $h\nu=0,3$  эВ (4 мкм) қийматидан бошлаб Ферми сатҳи  $F=E_V+0,385$  эВ бўлган намуналарда МаМҚ нинг қийматини камайиши кузатилди. Тушаётган ёруғлик фотонларининг энергиясини ортиши билан МаМҚ ни камайиши кучайди ва ўзини максимал қийматига  $h\nu=1$  эВ бўлганда эришди яъни, хона ҳарорати шароитида МаМҚ нинг сўнишини ғайри оддий эффементи кузатилди ва унинг қийматини 30 мартадан кўп камайиши аниқланди.


Бу натижалар ИҚ-нурланишнинг тўлқин узунлиги  $\lambda=1,2\div 4$  мкм гача ўзгарганида МаМҚ қийматини етарлича катта ораликда бошқариш мумкинлигини кўрсатди.

Тадқиқот натижаларини таҳлили асосида, МаМҚ ни ИҚ ёруғлик таъсирида сўниш эффементи марганец атомлари нанокластерига эга бўлган барча  $p$ -турдаги кремний намуналарда кузатилиши аниқланди. Шуни қайт этиш керакки, сўниш даражаси намуналардаги Ферми сатҳини ҳолатига яъни намуналарнинг солиштира қаршилигига кчли боғлиқ экан. МаМҚ ни максимал сўниши Ферми сатҳи энергиясининг қиймати  $F=E_V+0,375$  эВ бўлган намуналарда кузатилди. Ферми сатҳи  $F=E_V+0,375$  эВ дан тақиқланган соҳани ўртаси томон силжиганида сўниш даражаси камайди. Ферми сатҳи  $F>E_V+0,48$  эВ бўлган ҳамда ошириб компенсацияланган намуналарда МаМҚ ни сўниш эффементи кузатилмади.


6б-расмда Ферми сатҳи  $F=E_V+0,37$  эВ бўлган нанокластерли  $p$ -Si<B,Mn> намунанинг МаМҚ гини электр майдонга боғлиқлигининг турли энергияли фотонлар таъсиридаги ўзгаришлари келтирилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, МаМҚ га ИҚ-нурланишнинг таъсири намунага қўйилган электр майдон қийматига кучли боғлиқ бўлар экан. Кичик электр майдон  $E=1\div 20$  В/см қийматларида, электр майдони ИҚ-нурланишни МаМҚ га таъсирини кучайтирди, яъни МаМҚ ни сўниш эффементи кучайди ва ўзининг максимал қийматига  $E=20\div 25$  В/см бўлганда

эришди. Айтиш мумкин, электр майдони МаМҚ ни ИҚ-нурланиш таъсирида сўнишини кучайтирар экан. Электр майдонининг қиймати янада орттирилганда тескари эффект кузатилди, яъни электр майдонини ошиши билан ИҚ-нурланиш таъсири кучсизланиб сўниш эффекти секинлашди. Электр майдонининг қиймати  $E \geq 150$  В/см бўлганида барча тадқиқ қилинаётган спектр соҳаларда МаМҚ нинг сўниш эффектини йўқолишига олиб келди.



1-  $F=E_V+0,35$  эВ, 2-  $F=E_V+0,37$  эВ, 3-  $F=E_V+0,44$  эВ, 4-  $F=E_V+0,48$  эВ, 5-  $F=E_C - 0,44$  эВ.  
**ба-расм. Ферми сатҳлари турли қийматларида бўлган Si<V,Mn> намуналарда МаМҚ нинг сўниш даражасини спектрга боғлиқлиги.  $E=20$  В/см,  $B=1,7$  Тл,  $T=300$  К.**



1- 2 В/см, 2- 20 В/см, 3- 50 В/см, 4- 80 В/см, 5- 100 В/см.  
**бб-расм. Турли электр майдон кучланганликлари таъсирида МаМҚ сўниш даражасининг спектрга боғлиқлиги.**

Шундай қилиб, катта электр майдонининг  $E > 20$  В/см қийматларида таъсири ИҚ-нурланишни таъсирига қарама-қарши бўлиб, уларни ўзаро тўлиқ компенсацияси  $E=150$  В/см бўлганида кузатилди. Бу физик ҳодиса  $p$ -турдаги барча намуналарда кузатилди. Ферми сатҳи кремнийнинг тақиқланган соҳасини ўртаси томонга силжиши билан намуналарда электр майдон ва ИҚ-нурланишни ўзаро таъсир этиш тавсифи ўзгармайди, лекин стимулловчи электр майдонни катталиги нисбатан кичик қийматлар томонга силжиди.

Олинган натижаларни таҳлили шуни кўрсатадики, кремнийнинг магнит хоссалари марганец атомларининг магнит кластерларини концентрациясига боғлиқ экан.

Қоронғиликда ва ИҚ нурларни  $h\nu=0,45$  эВ;  $0,62$  эВ;  $0,85$  эВ энергиялари билан ёритилганликда МаМҚ ни ҳароратга боғлиқ ўзгариши 7-расмда кўрсатилган. Кўришиб турибдики, ИҚ- нурнинг таъсирида  $\frac{\Delta\rho}{\rho}(T)$

боғланишни сезиларлича ўзгартириш мумкин экан. Бу ўзгаришлар асосан қуйидаги моментлардан иборат бўлади. Тажриба маълумотларининг таҳлили асосида қуйидагилар аниқланди:

1. МаМҚ нинг максимал қиймати кузатиладиган ҳарорат ( $T_{\max}$ ) электр майдон таъсирида нисбатан юқорироқ ҳарорат томонга силжиши кузатилди. Тушаётган ИҚ-нурланиш фотонларининг энергиясини қиймати қанча катта бўлса, ҳароратни силжиши шунча катта бўлади;

2. ИҚ-нурланиш фотонларининг энергиясини қиймати ортиши билан  $T_{\max}$  мос бўлган МаМҚ ни қиймати ҳам сезиларли камайди. Мисол учун  $h\nu=0,85$  эВ  $\left(\frac{\Delta\rho}{\rho}\right)_{\max}$  бўлганда, ўзгариш 300 % дан 25 % гача, яъни 12 мартага камайди;

3. МаМҚ мавжуд бўладиган ҳарорат соҳаси тушаётган фотонларнинг энергиясини ортиши билан сезиларли даражада кичиклашди. Кичиклашиш асосан ҳароратни пастки чегарасини юқори томонга силжиши ҳисобига содир бўлди. МҚ ишорасини ўзгариши эса, юқорироқ ҳароратларда рўй берди ва ИҚ-нурланишга сезиларли боғлиқ бўлмади.


